

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

АБДУРАХИМОВ АКМАЛ ХОДЖИАКБАРОВИЧ

**СУВ-СПИРТЛИ ЭРИТМАЛАРНИ ЧУҚУР ТОЗАЛАШ УЧУН
МАҲАЛЛИЙ ХОМ-АШЁ РЕСУРСЛАРИ АСОСИДА АДСОРБЕНТЛАР
ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.11 – Коллоид и мембрана кимёси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Абдурахимов Акмал Ходжиакбарович

Сув-спиртли эритмаларни чуқур тозалаш учун маҳаллий хом-ашё ресурслари асосида адсорбентлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш 4

Абдурахимов Акмал Ходжиакбарович

Разработка технологии получения адсорбентов для глубокой очистки водно-спиртовых растворов на основе местных ресурсов..... 21

Abduraximov Akmal Xodjiakbarovich

Development of technology for the production of adsorbents for the deep purification of water-alcohol solutions based on local resources 39

Список опубликованных работ

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works 43

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

АБДУРАХИМОВ АКМАЛ ХОДЖИАКБАРОВИЧ

**СУВ-СПИРТЛИ ЭРИТМАЛАРНИ ЧУҚУР ТОЗАЛАШ УЧУН
МАҲАЛЛИЙ ХОМ-АШЁ РЕСУРСЛАРИ АСОСИДА АДСОРБЕНТЛАР
ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.11 – Коллоид и мембрана кимёси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий Аттестация Комиссиясида В2021.3.PhD/Г2351 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-варагида (www.tkti.uz) ва Ахборот-таълим портали «ZiyoNet» да (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган

Илмий раҳбар:

Жумаева Дилноза Жураевна
техника фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Эргашев Ойбек Каримович
кимё фанлари доктори, профессор

Адизов Бобиржон Замирович
техника фанлари доктори; кат. и.х.

Етакчи ташкилот:

Фарғона политехника институти

Диссертация ҳимояси 2021 йил « 16 » ноябрда соат « 14⁰⁰ » да Умумий ва ноорганик кимё институтидаги DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 рақамли Илмий кенгаш йиғилишида бўлади. Манзил: 100170, Тошкент шаҳар, Мирзо.Улуғбек кўчаси, 77-а, Тел: (+99871) 262-56-60, Факс: (+99871) 262-79-90; e-mail: ionxanuz@mail.

Диссертация Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида 12-рақам билан рўйхатга олинган бўлиб, у билан Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. Манзил: 100170, Тошкент шаҳар, Мирзо.Улуғбек кўчаси, 77-а, Тел: (+99871) 262-56-60, Факс: (+99871) 262-79-90;

Диссертация автореферати 2021 йил « 3 » ноябрда тарқатилди.
(2021 йил « 3 » ноябрдаги № 12- реестр баённомаси)



Б.С.Закиров
Илмий даражалар берадиган
илмий кенгаш раиси,
к.ф.д., профессор

Д.С.Салиханова
Илмий даражалар берадиган
илмий кенгаш илмий котибаси,
т.ф.д., профессор

Ш.С. Намозов
Илмий даражалар берадиган
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги талаблилиги. Бутун дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликларни хавфсизлигини таъминлаш, ҳамда истеъмол учун яроқли бўлишига доир илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бунинг учун табиий хом-ашёлардан, жумладан ёғоч асосида ва бошқа целлюлозали саноат чиқиндиларидан олинадиган адсорбентлар, яъни фаоллаштирилган углеродли адсорбентлар олинади ва қўлланилади. Бундай углеродли адсорбентлар синтетик адсорбентларга нисбатан юқори селективлик хоссасига эга бўлиб, кам зарарли ҳисобланади. Шу сабабли пиролиз усули ёрдамида дарахт чиқинди ёғочларидан сув-спиртли эритмаларни ва шарбатларни тозалашда қўлланиладиган адсорбентларни олиш ва қўллаш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Жаҳонда сув-спиртли ичимликларнинг ҳиди ва таъмини яхшилаш, турини кўпайтиришни, уларни адсорбция усулида тозалаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада ликер-ароқ ишлаб чиқаришда сув-спиртли эритмалар сифатини пасайтириш сабабларини аниқлаш, сув-спиртли эритмаларни тозалашда адсорбция усулини қўллаб, озиқ-овқат хавфсизлигини оширувчи усулларни яратиш, маҳаллий дарахт чиқинди (дарахт шохаси, буттаси)лардан пиролиз усулида фаоллаштирилган углеродли адсорбентлар олиш, сув-спиртли эритмаларни чуқур тозалашдаги мақбул шароитларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистонда сув-спиртли ичимликлар, уларни адсорбцион тозалашнинг замонавий усулларидан фойдаланиб, сифатини ошириш ва турларини кўпайтириш йўналишлари бўйича маълум илмий-амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида: «саноатни, сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кейинчалик уни жадаллаштириш, маҳаллий хом-ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш, янги хил маҳсулотлар ва технологияларни эгаллаш асосида, кўтариш»¹ га қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада жумладан маҳаллий ресурслар асосида сув-спиртли эритмаларни чуқур тозалайдиган адсорбентлар олиш технологиясини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта тамойили бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони, 2017 йил 23-августдаги ПҚ-3236-сон «2017-2021-йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги Қарори, ҳамда шунингдек мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII «Кимёвий технология ва нанотехнология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Илмий-техник адабиётларда турли углеродли хом-ашё ресурсларидан, жумладан, табиий кўмир, ёғочлар ва бошқа хом ашёлар асосида углеродли адсорбентларни олиш усуллари ёритилган. Улардан углеродли адсорбентлар олиш ва ҳар хил объектларга, жумладан озучавий суяқликларни тозалашда қўллаш бўйича чет эл олимларидан М.М. Дубинин, К.В. Чмутов, В.С. Петров, Н.Ф. Федоров, Н.И. Богданович, Ю.Я. Филоненко, W. Marsh, N.A. Zhonghua, C.O. Mohanty, C. Okada ва бошқа тадқиқотчилар салмоқли ҳисса қўшганлар.

Бу йўналишда мамлакатимиз олимларидан К.С. Ахмедов, Э.А. Арипов, Ф.Л. Глекель, С.С. Хамраев, А.А. Агзамходжаев, С.Н. Аминов, З.С. Салимов, У.К. Ахмедов, Г.У. Рахматқариев, С.З. Муминов, Г.Р. Нарметова, С.А. Абдурахимов, И.Д.Эшметов, Д.С. Салиханова, Д.Ж. Жумаева ва кўпгина бошқа олимлар тадқиқотлар олиб боришган.

Таъкидлаш лозимки, адабиётларда бу йўналишда чоп этилган маълумотларнинг кўплигига қарамай сув-спиртли эритмаларни чуқур тозалаш учун адсорбентлар олиш технологияси, маҳаллий хом-ашё-Павловния дарахти чиқиндиларидан оқилона фойдаланиш ва унинг асосида адсорбентлар олиб, уларни сув-спиртли эритмаларни чуқур тозалашга қўллаш бўйича етарлича ишлар амалга оширилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертацияда бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ №ПЗ-2017091327-«Юқори самарали маҳаллий адсорбентлар ёрдамида (ёғ-мой ва бошқалар) оқова сувларини тозалашнинг инновацион технологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сув-спиртли эритмаларни чуқур тозалаш учун маҳаллий хом-ашё ресурслари асосида адсорбентлар олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

углеродли адсорбент олиш учун керак бўлган хом ашёлар базасини ўрганган ҳолда, уларнинг энг мақбулини танлаш, ҳамда ушбу хом-ашёнинг таркиби ва хоссаларини ўрганиш;

танланган маҳаллий дарахт чиқиндиларидан фойдаланиб углеродли адсорбентлар олиш, ҳамда уларни анъанавий усулда пиролиз ва сув буғи ёрдамида фаоллаштириш, шунингдек ноанъанавий усулда пиролиз усулидан сўнг микротўлқинли нурлар ёрдамида фаоллаштириш;

фаоллаштирилган адсорбентларнинг физик-кимёвий ва коллоид хоссаларини аниқлаш;

олинган адсорбентларни электрон микроскопик, хроматоргафик, ИҚ спектроскопик ва колориметрик усуллар билан текшириш, сорбцион-структура ва термодинамик жараёнларнинг характеристикаларини аниқлаш учун бензол, сув ҳамда, этил спирти буғларининг адсорбцион жараёнларини ўрганиш;

углеродли адсорбентларнинг сув-спиртли эритмалар таркибидаги зарарли бўлган аралашмалардан тозалашнинг дастлабки лаборатория, ҳамда саноат синовини амалга ошириш;

юқори ғовакли ва адсорбцион қобилиятга эга бўлган углеродли адсорбентларини ноанъанавий усулда фаоллаштириб олиш схемаси ва технологиясини ишлаб чиқиш;

углеродли адсорбентларни фаоллаштириб олиш бўйича Ts-ташкilot стандартини ишлаб чиқиш ва ушбу адсорбентни саноат миқёсида ишлаб чиқаришда импорт бўлган БАУ-А адсорбентининг ўрнига тавсия этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида маҳаллий Павловния дарахти ёғочидан пиролиз, сув буғи ҳамда микротўлқинли (ўта юқори частотали) нурланиш усуллари ёрдамида олинган углеродли адсорбентлар, сув-спиртли эритмалар, шунингдек Россиядан келтирилган БАУ-А импорт адсорбенти олинган.

Тадқиқотнинг предметини фаоллаштириш усулларида маҳаллий Павловния дарахти ёғочидан адсорбентлар олиш ва уларни тадқиқ этиш жараёнларининг, ҳамда уларни сув-спиртли эритмаларни чуқур тозалашда қўллашдаги қонуниятлари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқот ишида сканерловчи электрон микроскоп (СЭМ), хроматография, ИҚ-спектр таҳлили, колориметрия усули, шунингдек, углеродли адсорбентларни олиш ва сув-спиртли эритмаларни чуқур тозалашда қўллаш жараёнларини математик ва инфорацион технологиялар ёрдамида ҳисоблаш усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Павловния дарахти чиқиндиларидан пиролиз жараёнида (22,5 кВт, 90 дақиқа) термик адсорбентни ноанъанавий (микротўлқинли нурланиш) усулда (0.14 кВт, 7 дақиқа) фаоллаштириб, углеродли адсорбент олишнинг мақбул шароитлари аниқланган;

илк бор этанол ва сув буғи молекулаларининг МТПАК-А адсорбентига қонуниятли ўзгариши яъни, БАУ-А адсорбентига нисбатан этанол молекуласини 2,5 марта, сув буғи молекуласини эса 1,2 марта кўп адсорбцияланиши аниқланган;

МТПАК-А адсорбентининг микро ғовакларида 0.5 ммоль/гга қаррали 7 та сув молекулалари, ҳамда мезо ва макро ғовакларида жами 9 та, жумладан: мезо ғовакларда 0,75 ммоль/гга қаррали 5 та ва макро ғовакларда 1,43 ммоль/гга қаррали 4 та этанол молекулалари қонуниятли равишда адсорбцияланиши аниқланган;

илк бора Павловния дарахти асосида фаоллаштирилган углеродли адсорбентнинг микро ғоваклари 0,5 ммоль/г га, мезо ғоваклари 0,75 ммоль/г га ва макро ғоваклари фаол марказлари 1,43 ммоль/г га тенг эканлиги аниқланган;

Павловния дарахти чиқиндилари асосида МТПАК-А адсорбентини олишнинг технологик схемаси ишлаб чиқилган;

фаоллаштирилган МТПАК-А адсорбентининг импорт БАУ-А адсорбентига нисбатан сув-спиртли эритмаларни таркибидан зарарли аралашмаларни 2,6 марта кўп тозалаш ишботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

маҳаллий Павловния дарахти чиқиндиларидан анъанавий усулда 3 МПа босим остида сув буғи ёрдамида фаоллаштириб, ноанъанавий усулда микротўлқинли нурлар таъсирида фаоллаштирилган углерод асосли адсорбентлар олишнинг технологияси яратилган;

сув-спиртли эритмалар таркибидан зарарли (ацетальдегид, метилацетат, этилацетат ва изопропонол) аралашмаларни фаоллаштирилган углеродли адсорбентлар ёрдамида чуқур тозалаш технологияси тавсия этилган;

Павловния дарахти чиқинди ёғочидан олинган углеродли адсорбент учун «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тасдиқланган ташкилот стандарти ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларини илмий ва амалий аҳамияти:

Тадқиқот натижаларини илмий аҳамияти маҳаллий Павловния дарахти ёғочи асосида янги углерод асосли адсорбентларда термодинамик жараёнлар параметрларини тадқиқи этиш натижасида этанол молекуласини макро ва мезо ғовакларда, сув молекуласини эса микро ғовакларда қонуниятли равишда адсорбцияланиши, адсорбентнинг фаол марказлари сони адсорбцияланиш механизми асосида аниқланиши сув-спиртли эритмаларни чуқур тозалашда қўллаш учун адсорбентларнинг сорбцион-структура кўрсаткичлари аниқланиши янги турдаги адсорбентни ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини амалий аҳамияти маҳаллий Павловния дарахти чиқиндиси асосида анъанавий ва ноанъанавий усул ёрдамида олинган адсорбентлардан фойдаланиб сув спиртли эритмалар таркибидан зарарли аралашмаларини чуқур тозалашда ацетальдегид, метилацетат, этилацетат ва изопропонолларни адсорбциясида қўлланилиб, импорт ўрнини босувчи адсорбент сифатида қўллашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сув-спиртли эритмаларни чуқур тозалаш учун яратилган углеродли адсорбентларни олиш технологияси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

маҳаллий Павловния дарахти чиқиндиси асосида янги кўмирли адсорбентни олиш технологияси Ўзбекистон Республикаси Алкогол ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг «2021-2022 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган (Ўзбекистон Республикаси Алкогол ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг 2021 йил 28 апрелдаги 02-16/1360-сон маълумотномаси). Натижада, сув-спиртли эритмаларни чуқур тозалашда қўлланиладиган импорт ўрнини босувчи кўмирли адсорбентларни олиш имконини беради;

сувли-спирт эритмаларини адсорбцион тозалаш учун ПАК-А фаоллаштирилган кўмирли адсорбентлари олиш учун ташкилот стандарти «Ўзстандарт» агентлиги тамонидан тасдиқланган (Ts-17088447-06:2020). Мазкур ташкилот стандарти маҳсулотнинг сифати ва технологик жараёни назорат қилиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 та халқаро ва 6 та республика илмий-техник конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Диссертация натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича ҳаммаси бўлиб 24 та илмий иш нашр этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг (PhD) асосий натижаларини нашр этиш тавсия этилган журналларда умумий 8 та журнал мақолалари, шундан 5 таси халқаро, 3 таси маҳаллий журналларда чоп этилган.

Диссертациининг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 121 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация тадқиқотининг кириш қисмида бажарилган ишнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсади, вазифалари, объектлари ва предметининг таърифлари келтирилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилиб, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилганлиги, чоп этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи **«Фаоллаштирилган углеродли адсорбентларини олиш технологиясининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш ва уларни қўллаш»** бобида фаол углеродли адсорбентларини қўллаш соҳалари ва аҳамияти, уларни олиш учун ишлатиладиган хом ашё турлари, уларни фаоллаштириш усуллари, углеродли адсорбентларининг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш натижалари, улардан фойдаланишнинг илмий-техник асослари, ликер-ароқ ва бошқа соҳаларда қўлланиладиган спиртли ичимликлар ва уларни зарарли қўшимчалардан тозалаш тўғрисидаги адабиётлар таҳлилидан маълумотлар келтирилган. Турли ўсимлик чиқиндилари асосидаги фаол углеродли адсорбентларни газ ва суюқ муҳитлардаги зарарли қўшимчалардан тозалашда адсорбентлар сифатида ишлатилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Диссертациянинг иккинчи **«Ўсимлик хом ашёси ва улар асосида олинган адсорбентларни таҳлил қилиш»** бобида ўсимлик хом-ашёси ва улар асосида олинган адсорбентларнинг адсорбцияси, таҳлил усуллари, дарахтнинг чиқинди ёғоч хом-ашёсидан фаол углеродли адсорбентларини олиш технологиялари, сув-спирт эритмаларининг фаоллаштирилган адсорбент билан тозалашдан олдинги ва кейинги физик-кимёвий кўрсаткичлари баён этилган. Павловния, ўрик, шафтоли, олча, чинор ва қайин дарахтлари асосида олинган фаоллаштирилган углеродли адсорбентлари шартли равишда қуйидагича номланган: ПАК-А, ЎАК-А, ШАК-А, ОАК-А, ЧАК-А ва солиштириш мақсадида келтирилган импорт сифатида БАУ-А адсорбенти танланган.

1-жадвал

Пиролиз усулда олинган адсорбентларнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари

| Адсорбент намуна-лари | Фаоллаш ҳарорати, °С | Намлик, W ^A , % | Кул микдори A ^c , % | Адсорбент унуми, (%) | Мустаҳкамлиги (МПа) | Ацетон бўйича ғоваклиги, % |
|-----------------------|----------------------|----------------------------|--------------------------------|----------------------|---------------------|----------------------------|
| ЎАК-А | 300÷800 | 2,75÷1,10 | 8,06÷4,03 | 29,11÷24,94 | 7,23÷10,00 | 50,13÷30,02 |
| ОАК-А | 300÷800 | 3,40÷1,10 | 8,70÷5,92 | 31,46÷27,09 | 5,63÷8,20 | 49,03÷28,60 |

| | | | | | | |
|-------|---------|-----------|-----------|-------------|------------|-------------|
| ШАК-А | 300÷800 | 2,80÷1,05 | 9,21÷6,02 | 30,01÷25,02 | 8,01÷11,38 | 48,17÷29,23 |
| ПАК-А | 300÷800 | 2,65÷2,00 | 4,00÷2,96 | 32,30÷30,03 | 8,08÷11,74 | 52,33÷33,66 |
| ЧАК-А | 300÷800 | 2,68÷1,95 | 4,05÷2,98 | 31,45÷28,01 | 5,91÷9,86 | 51,33÷30,72 |
| БАУ-А | - | 3,5 | 5,0 | - | 9,5 | 65,0 |

1-жадвалдан дастлабки пиролиз усулида фаоллаштирилган ПАК-А адсорбентининг физик-кимёвий кўрсаткичлари ЎАК-А, ОАК-А, ШАК-А, ЧАК-А ва БАУ-А адсорбентларидан юқори эканлиги кўриниб турибди. Мазкур термик фаол адсорбент намуналари орасидаги 800°C хароратда олинган ПАК-А адсорбенти энг мақбули деб топилган. Шу билан бирга сув буғи усулида фаоллаштириб олинган адсорбентларнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари (2-жадвал) да келтирилган.

2-жадвал

Буғ-газли усулида фаоллаштириган адсорбентларнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари

| Адсорбент намуналари | Фаоллаш харорати, °C | Намлик W ^A , % | Кул миқдори A ^c , % | Адсорбент унуми, (%) | Мустаҳкамлиги (МПа) | Ацетон бўйича ғоваклиги, % |
|----------------------|----------------------|---------------------------|--------------------------------|----------------------|---------------------|----------------------------|
| ЎАК-А | 300÷800 | 2,43÷2,06 | 4,61÷2,18 | 28,32÷24,00 | 7,43÷10,08 | 45,14÷22,93 |
| ОАК-А | 300÷800 | 2,51÷2,02 | 3,60÷2,47 | 29,6÷24,02 | 6,53÷8,30 | 46,33÷23,16 |
| ШАК-А | 300÷800 | 2,52÷2,08 | 3,31÷2,26 | 29,46÷26,08 | 8,12÷11,88 | 47,33÷23,28 |
| ПАК-А | 300÷800 | 2,47÷2,00 | 2,55÷2,01 | 30,30÷27,03 | 9,08÷13,24 | 49,43÷25,18 |
| ЧАК-А | 300÷800 | 2,57÷2,00 | 2,84÷2,09 | 28,11÷23,94 | 6,91÷10,36 | 48,13÷24,08 |
| БАУ-А | - | 3,0 | 2,5 | - | 10,6 | 47,0 |

2-жадвалда 800°C хароратда сув-буғи билан фаоллаштириш натижасида олинган ПАК-А адсорбентининг физик-кимёвий кўрсаткичлари ЎАК-А, ОАК-А, ШАК-А, ЧАК-А ва БАУ-А адсорбентларидан юқори эканлиги келтирилган. Ноанъанавий усулда фаоллаштириш юқори частотали нурланиш билан (ЎЮЧ усулида) микротўлқинли нурланиш ёрдамида амалга оширилди. Физик-кимёвий анализларни тадқиқ қилиш бўйича натижалар 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал


Анъанавий ва ноанъанавий фаоллаштириш усулида олинган адсорбентларнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари

| Адсорбент намуналари | Фаоллаш харорати, °C | Намлик, W ^A , % | Кул миқдори A ^c , % | Адсорбент унуми, (%) | Мустаҳкамлиги (МПа) | Ацетон бўйича ғоваклиги, % |
|----------------------|----------------------|----------------------------|--------------------------------|----------------------|---------------------|----------------------------|
| ПАК-А | 800 | 2,00 | 2,96 | 30,03 | 11,74 | 33,66 |
| ППАК-А | 800 | 2,00 | 2,01 | 27,03 | 13,24 | 25,18 |
| МТПАК-А | 800 | 2,00 | 1,54 | 25,12 | 15,90 | 25,05 |

3-жадвалдаги адсорбентларнинг физик-кимёвий кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили МТПАК-А адсорбентининг кўрсаткичлари қолганларидан энг яхшиси эканлигини кўрсатади. Дарахт чиқиндиларини термик

фаоллаштириш усулидан фойдаланиб, олинган адсорбентларда бензол буғлари асосида адсорбция изотермаларини олинди.


1-расмда $300^{\circ}\text{C} \div 800^{\circ}\text{C}$ ҳароратдаги пиролиз усулида олинган адсорбентларнинг бензол буғи адсорбциясининг изотермалари келтирилган.



1-расм. $300^{\circ}\text{C} \div 800^{\circ}\text{C}$ ҳароратдаги термик фаоллаштириб олинган ПАК-А адсорбентларининг бензол буғи адсорбцияси изотермаси:
(1)- 300°C ; (2)- 400°C ; (3)- 500°C ; (4)- 600°C ; (5)- 700° ; (6)- 800°C .

Адсорбция изотермаларидан пиролиз ҳароратининг ортиши билан сорбция сифимининг бензол буғига нисбатан қиймати ортиши кузатилди. Бунда десорбция изотермаси адсорбция билан параллел равишда қайтиб, гистерезис ҳалқасини ҳосил қилади.


2-расмда $300^{\circ}\text{C} \div 800^{\circ}\text{C}$ ҳароратда фаоллаштирилган ёғоч адсорбентлари томонидан бензол буғи адсорбциясининг изотермалари келтирилган.



2-расм. $300^{\circ}\text{C} \div 800^{\circ}\text{C}$ ҳароратдаги сув буғи иштирокида фаоллаштириб олинган ШАК-А адсорбентларининг бензол буғи адсорбция изотермаси: (1)- 300°C ; (2)- 400°C ; (3)- 500°C ; (4)- 600°C ; (5)- 700°C ; (6)- 800°C .


Бу ҳолда десорбция изотермаси адсорбция билан параллел равишда қайтади ва гистерезис ҳалқасини ҳосил қилади.

3-расмда сканирловчи электрон микроскоп ёрдамида олинган 100 мкм (1) ўлчамдаги Павловния дарахти қипиғининг ва 20 мкм (2) ўлчамли 800°C ҳароратда Павловния дарахтидан пиролиз қилинган ва микротўлқин нурлари (МТПАК-А) билан фаоллаштирилган углеродли адсорбентнинг элемент таркиби ва сирт юзасининг тасвири келтирилган.



3-расм. Павловния дарахти чиқиндисининг дастлабки ва МТПАК-А адсорбентларининг сканирловчи электрон микроскоп тасвири

Диссертациянинг «Маҳаллий хом ашёлардан фаоллаштирилган углеродли адсорбентларни олиш жараёни ва уларнинг адсорбцион хусусиятларини ўрганиш» номли учинчи бобида, 300°C÷800°C да буғ билан фаоллаштирилган углеродли адсорбентларида бензол буғларининг адсорбцияси натижалари, адсорбентларнинг структуравий-сорбцион кўрсаткичлари ва адсорбентларнинг ғоваклари ҳажми, шунингдек, дифференциал иссиқлик миқдори ва энтропияси келтирилган.



4-расм. 300÷800°C ҳароратдаги пироиздан сунг, микротулқинли фаоллаштирилган МТПАК-А адсорбентларининг бензол буғи адсорбция изотермаси: (1)-300°C; (2)-400°C; (3)-500°C; (4)-600°C; (5)-700°C; (6)-800°C.

4-расмда $300^{\circ}\text{C} \div 800^{\circ}\text{C}$ ҳароратлар оралиғида сув буғи ёрдамида фаоллаштирилган адсорбентларда бензол буғлари адсорбция изотермаси келтирилган. 4-расмдан кўринадики, пиролиз усулида ишлов берилган ва сув буғи билан фаоллаштирилган адсорбентлар бензол буғларини адсорбциялайди. Бензол буғининг адсорбцияси унинг босимидан катта ва адсорбентнинг гидрофоблик даражаси катта, чунки 600°C , 700°C ва 800°C ҳароратда адсорбент фақат углероддан иборат бўлади. Қоидага кўра, ўхшаш моддалар ўхшаш моддаларда эрийди, мазкур ҳолатда ўхшаш гидрофоб углерод адсорбент бензол буғларини тўйингунча ютади.

4-жадвалда тадқиқотлар давомида эксикатор усули билан турли ҳароратларда фаоллаштириб олинган адсорбентларнинг бензол буғи ёрдамидаги сорбцион кўрсаткичлари келтирилган.

4-жадвал

ПАК-А ва БАУ-А фаоллаштирилган адсорбентларининг бензол буғларини адсорбцияси бўйича структуравий-сорбцион кўрсаткичлари

| № | Адсорбентнинг фаоллаштириш ҳарорати, $^{\circ}\text{C}$ | Моноқатлам ҳажми, a_m , моль/кг | Солиштирама сирт, S , $\text{м}^2/\text{г}$ | максимал адсорбция, a_s , моль/кг |
|---|---|-----------------------------------|---|-------------------------------------|
| 1 | 300 | 0.85 | 204.9 | 2.18 |
| 2 | 400 | 0.93 | 225.0 | 2.43 |
| 3 | 500 | 1.0 | 240.8 | 2.8 |
| 4 | 600 | 1.19 | 286.6 | 3.1 |
| 5 | 700 | 1.28 | 308.7 | 3.3 |
| 6 | 800 | 1.39 | 334.7 | 3.46 |
| 7 | БАУ-А | 1.33 | 320.3 | 3.0 |

4-жадвалдан ҳарорат ортиши билан адсорбентнинг мономолекуляр қатлами ҳажми (a_m) бир маромда ортиши, солиштирама сирт юзаси (S) ва адсорбция миқдори (a_s) нинг шунга мос равишда ортиши кузатилди. Натижада, ПАК-Анинг адсорбцияси деярли 1.5 баробар кўпайди. Ғовакликнинг ҳажмий кўрсаткичлари бўлган микро- ва мезоҒовакларини ҳажмлари ва уларнинг тўйиниши ўсиб бориш характерига эга. Тадқиқотлар натижалари 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал


Турли ҳароратларда фаоллаштирилган ПАК-А адсорбентлари Ғовакларининг ҳажмий кўрсаткичлари

| № | Адсорбентнинг фаоллаштириш ҳарорати, $^{\circ}\text{C}$ | МикроҒоваклар ҳажми, $W_0 \cdot 10^3$, $\text{м}^3/\text{кг}$ | МезоҒоваклар ҳажми, $W_{me} \cdot 10^3$, $\text{м}^3/\text{кг}$ | Тўйиниш ҳажми, $V_s \cdot 10^3$, $\text{м}^3/\text{кг}$ |
|---|---|--|--|--|
| 1 | 300 | 0,173 | 0,02 | 0,193 |
| 2 | 400 | 0,187 | 0,03 | 0,217 |
| 3 | 500 | 0,207 | 0,041 | 0,248 |
| 4 | 600 | 0,233 | 0,04 | 0,273 |
| 5 | 700 | 0,274 | 0,02 | 0,294 |
| 6 | 800 | 0,281 | 0,026 | 0,307 |
| 7 | БАУ-А | 0,255 | 0,11 | 0,266 |

5-жадвалда келтирилган натижалар, микро ғоваклари ҳажми ортиши билан адсорбентнинг бензол буғлари билан тўйиниш ҳажми ҳам ортиб боришини кўрсатди. 600°C, 700°C ва 800°C ҳароратда фаоллаштириш усули билан олинган намуналар тўйиниш жиҳатидан БАУ-А импорт адсорбентнинг кўрсаткичларидан юқори эканлигини кўрсатди. 5-расмда ноанъанавий усулда фаоллаштирилган МТПАК-А адсорбентида сув молекуласи адсорбциясининг 303 К даги дифференциал иссиқлиги келтирилган.

Микротўлқинли нурланиш ёрдамида фаоллаштирилган углерод асосли адсорбентнинг сорбцион хоссасини аниқлаш мақсадида сув ва этил спирти адсорбцияси 303К температурада юқори вакуумли микрокалориметр курилмасида тадқиқ этилди.

Маълумки, фаоллаштирилган углеродли адсорбентлар гидрофоб ҳисобланади, яъни уларда сув кам миқдорда адсорбцияланади. 5-расмда сув адсорбцияси дифференциал иссиқлиги (энтальпияси)дан ҳар 0,5ммоль/г да қонуниятли ўзгаришини кўриш мумкин. Бу фаоллаштирилган кўмирнинг микро ғовакларидagi фаол марказлари сони 500 мкмоль/г тенг эканлигини билдиради. Демак, бу фаол марказларда жами бўлиб 7 та (3.5 ммоль/0.5 ммоль/г = 7) сув молекулалари микроғовакларда адсорбцияланади.




5-расм. Ноанъанавий усулда фаоллаштирилган МТПАК-А адсорбентида сув молекуласи адсорбциясининг дифференциал иссиқлиги

6-расмда ноанъанавий усулда фаоллаштирилган МТПАК-А адсорбентида этанол буғи молекуласи адсорбциясининг 303К даги дифференциал иссиқлиги графиги келтирилган.

Эталон сифатида ўрганилган Россияда ишлаб чиқариладиган БАУ-А адсорбентида этанол молекуласини 3,5 ммоль/гга адсорбцияланиши кузатилган. Микротўлқинли фаоллаштириш натижасида олинган Павлония дарахтидан олинган МТПАК-А адсорбентида эса этанол молекуласи 9,5

ммоль/г микдорида адсорбцияланди, яъни БАУ-А адсорбентидан 2,53 марта кўп микдорда адсорбцияланиши кузатилди.



6-расм. МТПАК-А адсорбентида этанол буғи молекуласи адсорбциясининг дифференциал иссиқлиги

Дифференциал иссиқликни 2 та соҳага ажратиб тушунтириш мумкин: 1-соҳа 3,75 ммоль/г гача бўлган адсорбция жараёни ва 2-соҳа тўйиниш қисмигача, яъни 9,5 ммоль/г гача адсорбцияланиш микдори ҳисобланади. Бу соҳаларда сорбция жараёни қонуниятли ўзгариши мезоғовак ва макроғовакларда этанолнинг адсорбцияланиши билан боғлиқ. Бунда этанол буғи молекулалри адсорбентнинг ғовакларида 3,75 ммоль/г гача микдорда 0,75 ммоль/г каррали, ҳамда тўйинишгача бўлган микдорда 1,4 ммоль/г га каррали равишда адсорбцияланади. Демак, МТПАК-А адсорбентининг ғоавкларида умумий ҳисобда $3,75/0,75=5$ та этанол молекуласи, шунингдек $5,72/1,43=4$ та этанол молекуласи, жами ҳисобда эса 9 та этанол буғи молекуласи адсорбцияланади.

Павловния дарахти чиқиндилари асосида олинган адсорбентлар билан импорт адсорбентнинг олинган натижаларини таҳлил қилиш асосида, микротўлқинли фаоллаштириш усулида Павловния дарахти чиқинди ёғочидан олинган углеродли адсорбент қайин дарахти асосида олинган импорт БАУ-А адсорбентидан сув-спиртли эритмани адсорбция қилиши бўйича юқори эканлиги аниқланди:

МТПАК-А > БАУ-А

МТПАК-Ада этанол молекуласи буғининг адсорбция микдори БАУ-А га нисбатан 1,4 баробар юқори бўлди. Сув буғларининг адсорбентлар билан адсорбция натижаларига кўра, импорт қилинадиган аналог бўлган адсорбентлар ўрнига спиртли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун адсорбент сифатида Ўзбекистон ҳудудида ўсувчи Павловния дарахти чиқиндиларидан тайёрланган микротўлқинли нурланиш усулида фаоллаштирилган углеродли адсорбентларидан фойдаланиш мумкин.

Диссертациянинг тўртинчи бобида «Маҳаллий хом ашё ресурслари асосида сув-спиртли эритмаларни чуқур тозалаш учун адсорбентлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш» углерод адсорбентларини олиш ва уларни фаоллаштириш технологияси, адсорбентларнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари ва сув-спиртли эритмаларнинг газ хроматографик таҳлиллари натижалари, маҳаллий адсорбентлар ёрдамида сув-спиртли эритмаларни тозалаш технологияси, тажриба-ишлаб чиқариш синовлари ва иқтисодий самарадорлиги натижалари келтирилган.

Павловния дарахти чиқиндиларидан фаоллаштирилган углеродли адсорбентларини олиш икки хил усул ва икки босқичда амалга оширилди: биринчи усул: 1) Чиқинди ёғочни пиролиз қилиш; 2) Сув буғ ёрдамида фаоллаштириш; иккинчи усул: -1) дарахт чиқинди ёғочини пиролиз қилиш; 2) Микротўлқинли нурланиш ёрдамида фаоллаштириш.


1-усулда пиролиз жараёнида Павловния дарахтининг 50-100 ммли ўлчамдаги майдаланган бўлақларини пиролиз қурилмасига жойлаштирилади. Кейин пиролиз қурилмасининг ичига кислород кирмаслиги учун қопқоғини зич ёпилади. Сўнгра 60-65 В кучланиш билан электр таъминотга уланади, ҳамда 300°C дан 800°C ҳароратгача бўлган кўрсаткични белгилаб олинади. Жарайнда белгиланган ҳароратгача кўтарилгач, қурилма ичидаги масса термик фаол адсорбент ҳосил бўлгунича 1,5-2 соат давомида сақлаб турилади. Адсорбентларнинг термик фаоллаштириш жараёнида 250-400°C ҳарорат орасида смолали қатрон ва углеродли газлар-СО, СО₂, СН₄ ва бошқалар ажралади. Иккинчи усулда пиролиз жараёнидан кейинги ҳосил бўлган углерод асосли масса 1,5-2 соат вақт орасида сув буғи билан фаоллаш жараёнида 800°C ҳароратда фаоллаштирилади. Бунда 180°C-200°C ҳароратли буғ генератори ёқилиб сув идишидан кран ёрдамида томчилаб сув берилади.

Буғ генераторида ҳосил бўлган сув буғлари пиролизерга берилади ва адсорбент билан 1,5-2,0 соат давомида таъсирлашади. Бунда, буғ крани ёрдамида кирган буғ тахминан 50-100 Па босим остида смолали қатрон моддаларни йўқ қилади, адсорбент ғовақларини тозалайди ва шу вақт давомида углеродли адсорбентни фаоллаштиради.

Шунингдек, анъанавий усул билан таққослаш учун ноанъанавий усулни, яъни пиролиз усулида олинган адсорбентни микротўлқинли нурлантириб фаоллаштириш жараёни олиб борилди. 7-расмда таклиф этилаётган углеродли адсорбентларни фаоллаштириш технологияси келтирилган. Бу усул билан юқори ғовақларга эга бўлган адсорбентни олишга, ҳамда фаоллаштириш учун сарфланадиган вақтни тежашга эришилди.

Микротўлқинли печда кутбли молекулаларни ўз ичига олган моддаларни диелектрик иситиш жараёни содир бўлади. Электромагнит тўлқинларнинг электр компоненти дипол моменти ёрдамида молекулаларнинг ҳаракатини тезлаштиради ва молекулалараро ўзаро таъсир электромагнит нурланишнинг ютилишига ва моддаларнинг ички ҳароратининг резонансли ошишига олиб келади. Натижа, сув молекуласи билан туйинган адсорбент ғовақларининг очилиши юзага келади,


фаоллашаётган адсорбентларнинг ичидаги сув тез суратларда буғ ҳолатига айланиб юқорига чиқиб кетиши ҳисобига адсорбент ғовақлари ошади ва фаоллашади.



- 1-хом-ашё (ёғоч чиқиндилар);
- 2-пирилиз реактори;
- 3-электротрансформатор;
- 4-термопара;
- 5-чўқтиргич;
- 6-углеродли газ;
- 7-қатрон учун идиш;
- 8-тайёр пирилизланган адсорбент эксикатори;
- 9-парогенератор;
- 10-буғгазли фаолланган кўмир;
- 11-бўкаётган адсорбент;
- 12-фильтр;
- 13-микротўлқинли печь;
- 14-микротўлқинли фаол адсорбент

7-расм. Адсорбентларни анъанавий ва ноанъанавий усулда фаоллаштиришнинг технологик қурилмаси

8-расмда МТПАК-А фаоллаштирилган адсорбенти ёрдамида сув спиртли эритмаларни таркибидан зарарли аралашмаларни тозалаш технологияси келтирилган.



- 1-юмшатирилган сув;
- 2-этил спирти;
- 3- ва 11-сув спирт аралашмаси тайёрлаш идиш;
- 4-марказдан қочма насос;
- 5-сув-спиртли эритма учун сортировка идиши;

- 6- ва 9-кварц қумлари тўлдирилган филтрловчи идиш;
- 7-адсорбент солинган колонкалар;
- 8-ротаметр;
- 10-сироп турадиган идиш;
- 12-тескари осмос филтр;
- 13-тайёр маҳсулот учун идиш

8-расм. Сув спиртли эритмаларни таркибидан зарарли аралашмаларни тозалашнинг технологик схемаси


Сув-спиртли эритмаларни адсорбентлар билан тозалаш технологияси қатъий тартиб асосида олиб борилади.

Технологик қисмда борадиган жараёнда тадқиқотнинг вазифаси углеродли колонкаларини ўзига хос фаоллиги ва ғоваклиги юқори бўлган тўғри танланган адсорбентлар билан тўлдиришдан иборат. Бу зарарли моддалар адсорбентда адсорбциялангандан сўнг хроматограмма тадқиқоти натижалари асосида этил спиртдаги ацетальдегид, этилацетат, метилацетат ва изопропонолларнинг қийматларини камайганлиги 9-расмда келтирилган.

Хроматограмма тадқиқот натижалари асосида сув-спиртли эритма БАУ-А адсорбенти билан адсорбциялангандан сўнг, эритма таркиби 1,5580 мг/л га, ацеталдегид-0,5580 мг/л га, метанол-0,0005 мг/л га, изопропонол-1,9374 мг/л га дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 1,5 баробар камайишини кўрсатди. Метанолнинг миқдори 0,1 марта, изопропоноллар эса дастлабки кўрсаткичга нисбатан 1,4 баробар камайишини кўрсатди.

Хроматограмма тадқиқот таҳлили натижалари асосида ППАК-адсорбентида этил спирти адсорбциялангандан сўнг зарарли қўшимчалар миқдори: ацетальдегид – 0,1308 мг/л, метилацетат – 0,0323 мг, метанол – 0,0002 мг/л, изопропонол – 0,0226 мг/лга ўзгарди. Бунда ацеталдегид миқдори БАУ-А адсорбентига нисбатан 6 баробарга, эритманинг дастлабки кўрсаткичига нисбатан эса 2 марта, метанолнинг миқдори БАУ-А адсорбентига нисбатан 2,5 баробар, изопропонол миқдори деярли 90 баробарга камайишини кўрсатди.

Шунингдек, этил спирти МППАК-А адсорбентида адсорбциялангандан сўнг қўшимча моддалар миқдори: ацетальдегид – 0,1301 мг/л, метилацетат – 0,0193 мг, метанол – 0,0002 мг/л, изопропонол – 0,0223 мг/л, яъни, ацеталдегиднинг миқдори 6,12 баробар, дастлабки адсорбентга нисбатан эса 2,1 баробар, БАУ-А адсорбенти билан солиштирилганда метанол миқдори 2,6 баробар, изопропонол миқдори деярли 100 баробарга камайишини кўрсатди.



9-расм. Адсорбентлар ёрдамида сув спиртли эритмаларни таркибдан зарарли аралашмаларни тозалашдан олдинги ва кейинги хроматограмма чизиқлари

Сув-спирт эритмаларни тозалашда Павловния дарахти чиқиндиларидан фаоллаштириб олинган адсорбент қўлланиладиган импорт адсорбентга нисбатан юқори иқтисодий самарадорлик натижалари (6-жадвал) ҳисобланди.

6-жадвал

Сув-спиртли эритмаларни тозалаш учун олинган маҳаллий ва импорт бўлган адсорбентларни ишлаб чиқариш ва қўллашдаги иқтисодий самарадорлиги

| Т/р | Номланиши | Ўлчов бирлиги | БАУ-А | МТПАК-А |
|-----|--|---------------|----------------------------|---------|
| 1 | Адсорбентга бўлган йиллик эҳтиёж | тонна | 0,540 | 0.540 |
| 2 | Бир тонна адсорбентнинг таннари | млн. сўм | 131.560.0 | 82,637 |
| 3 | Адсорбент сотиб олиш харажатлари | млн. сўм | 71,042 | - |
| 4 | Ишчи кучи | млн. сўм | 1,272 | 32,727 |
| 5 | Солик | млн. сўм | 0,154 | - |
| 6 | 540 кг тайёр адсорбент олиш учун ишлатиладиган хом-ашёнинг миқдори | тонна | - | 2.0 |
| | Хом-ашёни сотиб олишга кетадиган харажатлар | млн. сўм | - | 4,000 |
| 7 | 540 кг. тайёр адсорбент олишда сарфланган электр қувватига учун кетган харажатлари | млн. сўм | - | 7,897 |
| 8 | Умумий харажатлар | млн. сўм | 203,874 | 127,261 |
| 9 | Корхонанинг йиллик иқтисодий тежамкорлиги | млн. сўм | 203,874 – 127.261 = 76,613 | |

Сув-спирт эритмаларини таркибидан зарарли аралашмаларни тозалашда қўлланиладиган Павловниянинг фаоллаштирилган углеродли адсорбентларини олиш ва улардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги бир тонна адсорбентга нисбатан 76,613 млн. сўмни ташкил этди.

ХУЛОСАЛАР

Диссертация доирасида бажарилган илмий тадқиқот ишида анъанавий ва ноанъанавий фаоллаштириш усуллари ёрдамида адсорбентлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш, сўнгра уларни сув-спиртли эритмаларни зарарли органик аралашмалардан тозалаш жараёнларида қўллаш натижасида қуйидаги хулосаларни чиқаришга имкон берди:

1. Ўзбекистонда адсорбент олиш учун ярокли бўлган мавжуд хом-ашё базасини тадқиқ этиш натижасида, шунингдек ВМнинг 520-Қарорига асосан, Павловния дарахти чиқиндилари (шоха, новда, қиринди)нинг дастлабки кимёвий таркиби, физик-кимёвий хусусиятлари, коллоид кимёвий хоссалари ва уни фаоллаштириш усуллари танланди.

2. Танлаб олинган хом ашё Павловния дарахтининг чиқинди ёғочи асосида дастлаб анъанавий усулда пиролиз, сўнгра сув буғи ёрдамида $800\pm 50^{\circ}\text{C}$ ҳароратда фаоллаштирилган, шунингдек, ноанъанавий усулда пиролиздан сўнг микротўлқинли нурланиш ёрдамида фаоллаштириш орқали юқори адсорбцион кўрсаткичли, ғовакли адсорбентлар олинишининг ($T_{\text{пир.}} - 800\pm 50^{\circ}\text{C}$, $P - 600\pm 50$ Вт, $\tau - 7$ мин, $\nu - 2450$ МГц) мақбул режимлари аниқланди.

3. МТПАК-А адсорбентининг микро ғовакларида 0.5 ммоль/гга каррали 7 та сув молекулалари, ҳамда мезо ва макро ғовакларида жами 9 та, жумладан: мезо ғовакларда 0,75 ммоль/гга каррали 5 та ва макро ғовакларда 1,43 ммоль/гга каррали 4 та этанол молекулалари қонуниятли равишда адсорбцияланиши аниқланди.

4. Анъанавий усулда ПАК-А, ППАК-А ва ноанъанавий усулда МТПАК-А адсорбентини фаоллаштириб олинишининг принципиал технологик схемаси ва технологик линияси ишлаб чиқилди.

5. МТПАК-А фаоллаштирилган, ҳамда импорт аналог бўлган БАУ-А адсорбентлари иштирокида сув-спиртли эритмалар таркибидаги (ацетальдегид, метилацетат, этилацетат, метанол ва изопропонол) зарарли аралашмалардан тозалашда қўлланилганда ацетальдегидни 6.12, метанолни 2,6, ҳамда изопропонолни 100 марта кўп адсорбциялаши аниқланди.

6. Фаоллаштирилган МТПАК-А адсорбенти ёрдамида сув-спиртли эритмаларни тозалашнинг натижаларига кўра, иқтисодий самарадорлик йилига 76,613 млн. сўмни ташкил этиши аниқланди.

7. Фаоллаштирилган адсорбент олишнинг Ts-ташқилот стандарти ишлаб чиқилди.

8. Ноанъанавий усулда фаоллаштирилган МТПАК-А адсорбентини сув буғи ёрдамида фаоллаштирилган ППАК-А адсорбентига нисбатан фаоллаштириш жараёнини солиштирганда вақтдан 13 марта, энергия сарфидан эса 160 марта тежашга эришилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ ИНСТИТУТЕ ОБЩЕЙ И
НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

ИНСТИТУТ ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ

АБДУРАХИМОВ АКМАЛ ХОДЖИАКБАРОВИЧ

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ АДСОРБЕНТОВ ДЛЯ
ГЛУБОКОЙ ОЧИСТКИ ВОДНО-СПИРТОВЫХ РАСТВОРОВ НА
ОСНОВЕ МЕСТНЫХ РЕСУРСОВ**

02.00.11 – Коллоидная и мембранная химия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент-2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистана за номером B2021.3.PhD/T2351

Диссертация выполнена в Институте общей и неорганической химии.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.tkti.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Жумаева Дилноза Жураевна
доктор технических наук

Официальные оппоненты:

Эргашев Ойбек Каримович
доктор химических наук, профессор

Адизов Бобиржон Замирович
доктор технических наук, с.н.с.

Ведущая организация:

Ферганский политехнический институт

Защита диссертации состоится « 16 » ноября 2021 года в « 14⁰⁰ » часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.K/T.35.01 при Институте общей и неорганической химии по адресу: 100170, г.Ташкент, ул. Мирзо.Улугбека, 77-а, Тел: (+99871) 262-56-60, Факс: (+99871) 262-79-90; e-mail: ionxanguz@mail.ru

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Института общей и неорганической химии за № 12, с которой можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре (100170, г.Ташкент, ул. Мирзо.Улугбека, 77-а). Тел: (+99871) 262-56-60, Факс: (+99871) 262-79-90.

Автореферат диссертации разослан «3» ноября 2021 года.
(Реестр за № 12 от «3» ноября 2021 года).



Б.С.Закиров
Председатель Научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.х.н., профессор

Д.С.Салиханова
Учёный секретарь Научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

Ш.С. Намазов
Председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению учёных
степеней, академик

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всем мире ведутся научно-исследовательские работы по обеспечению безопасности пищевых продуктов питания, напитков и др. Для этого получают и применяют различные природные адсорбенты, в т.ч. активированные угли, получаемые из древесины и других целлюлозосодержащих отходов промышленности. Такие углеродные адсорбенты по сравнению с синтетическими имеют высокую избирательную способность, меньше содержат вредных веществ, чем неорганические адсорбенты. Поэтому получение и применение угольных адсорбентов из древесины методом пиролиза, используемых при глубокой очистке напитков, водно-спиртовых растворов, соков, имеют важное научно-практическое значение.

В мире ведутся научные исследования для расширения ассортимента водно-спиртовых напитков по их очистке методом адсорбции улучшения их запаха и вкуса. В связи с этим особое внимание уделяется установлению причин, понижающих качества водно-спиртовых растворов в ликёроводочном производстве; разработка способов, повышающих пищевую безопасность водно-спиртовых напитков, с использованием адсорбционного метода их очистки; получение активированных угольных адсорбентов из местных древесин методом их пиролиза; разработка оптимального условия глубокой очистки водно-спиртовых растворов на созданных активированных углях, полученных из местных древесин.

В Узбекистане достигнуты определенные научно-практические результаты по повышению качества и расширению ассортимента водно-спиртовых напитков с использованием современных методов их адсорбционной очистки, разработаны серии углеродных адсорбентов на основе местных каменных и бурых углей, древесин, углеродосодержащих отходов промышленности и др. В стратегии действий по развитию Республики Узбекистан предусмотрен: «подъем промышленности путём перевода её на качественно новый уровень дальнейшей интенсификацией производства готовой продукции на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов, освоением выпуска новых видов продукции и технологий»¹. В этой связи, научное исследование по разработке технологии получения адсорбентов для глубокой очистки водно-спиртовых растворов на основе местных ресурсов является актуальным.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлениях и Указах Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан по пяти приоритетным направлениям развития в 2017-2021 годах»², УП-3236 от 23 августа 2017 года «О программе дальнейшего развития химической промышленности в 2017-2021 годах», а также в других нормативно-правовых документах принятых в данной сфере.

Соответствие исследований с основными приоритетными направлениями развития науки и технологии в республике. Данное

² Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан по пяти приоритетным направлениям развития в 2017-2021 годах»

исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики VII «Химическая технология и нанотехнология».

Степень изученности проблемы. В научно-технических литературах освещены способы получения угольных адсорбентов из различных углеродсодержащих сырьевых ресурсов т.к., природные угли, древесина и другие. Весомый вклад в их получение и применение в различных объектах исследования внесли зарубежные ученые М.М. Дубинин, К.В.Чмутов, В.С. Петров, Н.Ф. Федоров, Н.И. Богданович, Ю.Я. Филоненко, W. Marsh, N.A. Zhonghua, С.О. Mohanty, С. Okada и другие исследователи по получению углеродистых адсорбентов.

В этом направлении в отечестве проводили исследования К.С. Ахмедов, Э.А. Арипов, Ф.Л. Глекель, С.С. Хамраев, А.А. Агзамходжаев, С.Н. Аминов, З.С. Салимов, У.К. Ахмедов, Г.У. Рахматкариев, С.З. Муминов, Г.Р. Нарметова, С.А. Абдурахимов, И.Д. Эшметов, Д.С. Салиханова, Д.Ж. Жумаева и многие другие.

Следует отметить, что несмотря на большой материал, опубликованные в литературе имеется определенный пробел по разработке технологии получения адсорбентов для глубокой очистки водно-спиртовых растворов на основе местных ресурсов в плане рационального подбора местного сырья - древесины Павловнии и применение полученного адсорбента на его основе при глубокой очистке водно-спиртовых растворов.

Связь исследования с научно-исследовательскими планами научно-исследовательского учреждения, в котором была выполнена диссертация. Научно-исследовательская работа по диссертационной работе выполнялась по прекладному проекту института общей и неорганической химии ПЗ-2017091327 - «Разработка инновационных технологий очистки сточных вод с использованием высокоэффективных местных адсорбентов (масел, так далее)».

Целью исследования является разработка технологии получения адсорбентов для глубокой очистки водно-спиртовых растворов на основе местных ресурсов.

Задачи исследования:

выбор наиболее подходящего сырья для производства углеродных адсорбентов, а также изучение состава и свойств этого сырья;

